



Кун нафаси

Президент **Шавкат Мирзиёев** 11 май куни ғаллачиликдаги ишловотларнинг муҳим босқичига бағишланган **йиғилиш ўтказди**.



11 май куни Тошкентда «Халқ дипломатияси – тараққиеъ йўлида ўзаро ҳамжиҳатлик» шиори остида **Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг Халқ дипломатияси форуми** бошланди.

Тошкентда «Марказий Осиёда диаспораларни ривожлантириш – барқарор ривожланишнинг муҳим омили» мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ташкил этилди.



Юртимизга Осиё футбол конфедерацияси президенти **Шайх Салмон бин Иброҳим ал-Халифа** бошчилигидаги ОФК делегацияси ташриф буюрди.

Тошкентда «Космик технологиялар ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишда уларнинг роли» мавзусига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Тадбир «Ўзбеккосмос» агентлиги ва Британиянинг «Dialogue Events Ltd.» компанияси томонидан уюштирилди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори **Элдор Арипов** бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси Испаниянинг Малага шаҳрида бўлиб ўтаётган «Террордан холи келажақ учун: Қонун ва инсон ҳуқуқи устуворлиги асосида фуқаролик жамияти барқарорлигини мустаҳкамлаш» халқаро конференциясида иштирок этмоқда.

Бирлашган Араб Амирликларининг Халқаро савдо марказида тўқимачилик sanoati маҳсулотларига бағишланган анъанавий «**International Apparel&Textile Fair-2022**» халқаро кўргазмаси ўз иштини бошлади. Унда мамлакатимиз тўқимачилик корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган жозибador кийим-кечаклар, меҳмонхоналар учун тўқимачилик буюмлари ва бошқа истеъмол молларини ўз ичига олган **Ўзбекистон тенди ташкил этилди**. Бу маҳсулотларга хорижий компаниялар ва мутахассислар катта қизиқиш билдиришмоқда.



11 май куни Тошкентда «**Конституциявий ислохотлар: фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва мақоми**» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

АСОСИЙ СТАВКА ПАСАЙМАЙДИМИ?



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
раиси Мамаризо Бердимуратович
Нурмуратов эътиборига!

Санкциялар боис
Россия Марказий банки
шу йилнинг 28 февралда
асосий ставкани 20 фоиз этиб
белгиланган эди. Аммо орадан ҳеч
қанча вақт ўтмай, яъни 8 апрель
куни асосий ставкани дастлаб
17 фоизга, 29 апрелда эса
14 фоизга камайтирди.

Россия Марказий банки раиси Эльвира Набиуллина-нинг сўзларига қараганда, шу йилнинг охирига қадар асосий ставкани **12,5 фоизга**, 2023 йили – **9-11 фоизгача**, 2024 йили **6-8 фоизгача** камайтириш режалаштирилган.

Ўзбекистон Марказий банки

эса асосий ставкани шу йилнинг 18 мартда **14 фоиздан 17 фоизга** кўтарди.

Аввал буни тушунгандек ҳам бўлди, аммо энди-чи? Умуман, Марказий банк асосий ставкани камайтириб бориш бўйича қачон бир жиддий қадам ташлайди? Биз нимани кутаямиз?

Маълумот учун (баъзи мамлакатларда амалдаги асосий ставка фоизлари):

Швейцария – -0,75;	Жанубий Корея – 1,5
Япония – -0,1;	Хитой – 3,7
Франция – 0	Ҳиндистон – 4
Германия – 0	Польша – 4,5
Италия – 0	Беларусь – 12
АҚШ – 0,5	Молдова – 12,5
Канада – 1	



ЯҚИНДА БИР ИСТЕЪМОЛЧИ «ПОТРЕБИТЕЛЬ.УЗ» ТЕЛЕГРАМ КАНАЛИГА ХОРИЖИЙ ФАРМАЦЕВТНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ ДОРИХОНАЛАРИ ҲАҚИДАГИ ФИКРЛАРИНИ ЖОЙЛАГАН ЭДИ. МАВЗУ ДОЛЗАРБ ВА АЙНИ ДАМДА МУҲИМ БЎЛГАНИ БОИС БИЗ ҲАМ УШБУ ФИКРЛАРНИ ҚИСҚАЧА КЕЛТИРИБ ЎТИШНИ ЛОЗИМ ТОПДИК:

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги директори **Сардор Ҳикматович Кариев эътиборига!**

МИЛЛАТ ГЕНОФОНДИГА ХИЁНАТ

ёки яхши фармацевтикасиз соғлом авлодни асраб қололмаслигимизни қачон англаб етамиз?

«Сўнгги пайтларда мамлакатимизга хориждан кўлаб меҳмонлар келяпти. Кимдир дам олиш учун, кимдир иш юзасидан. Ва албатта, уларнинг аксарияти бизнинг «ўзига хослик»ларимизга эътибор қаратади. Булардан бири эса кўчаларимизда дорихоналарнинг беҳад кўплигидир.

Хуллас, яқинда Москвадан Тошкентга таниқли бир фармацевт келди. У ҳам шаҳарнинг ҳар қадамида учрайдиган дорихоналар қаторларига ҳайрат билан боқар экан, 1-шаҳар шиfoxонаси яқинидаги аптекалар ёнида тўхташни кўчди. Кирдик. У ассортиментни кўздан кечиради, сотувчи билан суҳбатлашар, аллақандай дориларни сўради, уларнинг кўрсатмаларини ўқир ва ҳар гал «Эҳ, атанг!» дегандек, бошини чайқар эди», деб ёзади истеъмолчи.

Унинг ёзишича, дорихоналарни бир-бир айланиб чиққан мутахассис уларнинг барчасида деярли бир хил дори сотилишини, аммо Европа, АҚШ, Россия ёки Украинада ишлаб чиқариладиган, ҳақиқатан ҳам, самарали дори-дармонлар жуда ҳам ёқини уйқулганини айтган. Аксинча, пештахталар сифати шубҳа уйғотадиган, касалликнинг ўзини эмас, балки аломатларини даволайдиган женеरिकлар ёки турли микстура ҳамда ёрқин ҳапдорилар билан тўла эканига эътибор қаратган.

Мутахассис дорихоналарда ишлайдиган сотувчилар билими ҳам анча саёз эканини айтди. «Баъзилари ҳатто буюрилган дорини бошқасига алмаштиришни, керакмас ва қиммат дори-дармонларни ва биологик фаол кўшимчаларни тавсия қила бошлайди. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди. Бундан ташқари, маҳаллий дорихоналарда ҳар қандай дорини рецептсиз сотиб олиш мумкин экан. Бу – нотўғри», дейди у.


«Охир-оқибат хорижлик фарма-

цевт бундай дорихона тизими билан мамлакатда беморлар ва камбағаллар сони ортиб бораверади, чунки шаҳарда одамлар ҳордиқ чиқарадиган истироҳат масканлари, дўконлар ва ресторанлардан кўра дорихоналар кўплигини инobatга олсак, халқ ўз даромадининг каттагина қисmini озиқ-овқат, дам олиш ва ўйин-кулгига эмас, балки дори-дармонларга сарфлар экан, деган хулосага келди», дейди меҳмон таассуф билан.

ТАҲРИРИЯТДАН: Бу муаммони ватандошларимиз ҳам бир неча йиллардан буён муҳокама қиладди. Мутасадди идораларга савол йўллайди. Аммо қани энди жаволи жавоб ололса? Афтидан, соҳадаги бугунги бошбошдоқлик, қонунсизлик кимларгадир қўл келаётган кўринади.

Узоқ вақтнинг тиббиётсиз, яхши фармацевтикасиз ҳеч бир халқ ўз генотипини соғлом асраб қололмаслигини қачон англаб етамиз? Дунёнинг аксар мамлакатларида дори-дармон савдоси биздагичалик эркин ва оммавий эмаслигини билмайдиган ким қолди? Ахир нотўғри қабул қилинган дори соғлиққа кушанда-ку!

Хулоса шуки, мамлакатимизда дори-дармон савдосининг, дорихоналарга лицензия бериш тартибининг қонуний асосларини қатъий қайта кўриб чиқиш, бу борада кескин қарорларни қабул қилиш фурсати келди! Бунга мутасаддилардан жавоб кутиб қоламиз.



Самарқанд вилояти

Самарқанд давлат унверситетида «Янги Ўзбекистонни ўз қўлларимиз билан бунёд этамиз» шиори остида бўлиб ўтаётган эсселар танловининг якуний босқичи ўтказилди.

Эсселар танлови

ЁРҚИН ЧИЗГИЛАРДА КЕЛАЖАК ТАСВИРИ

Танловнинг «Янги Ўзбекистон – янги мақсадлар» мавзусидаги ilk босқичига университетнинг 14 минг нафардан зиёд талабалари ўз ижодий ишларини тақдим этишганди. Улар ичидан энг сараларини ажратиб олиш ҳам осон бўлмади. Гуруҳлар, факультетларро бошланган баҳсларда келажақ ҳақидаги ёрқин ва теран қарашлар такомиллашиб борди.

– Ғолибларни саралашга жиддий эътибор қаратдик, – дейди Самарқанд давлат унверситети касаба уюшма кўмитаси раиси Шавкат Маҳматмуродов. – Ниҳоят ўн учта факультетдан 40 нафар ёш ғолиблар қаторидан жой олди. Улар орасидан мутлақ ғолибларни аниқлаш учун ҳакамлар ҳайъати анча тер тўқди.

Университетнинг рақамли технологиялар факультети 3-босқич талабаси Маҳбуба Салимова нафақат ўз ихтиролари, балки фал-

сафий олами билан ҳам бошқалардан устун эканини намоён этди. Шу боис у эсселар танлови ниҳоябига айланди. Иккинчи ўрин биология факультети 3-босқич талабаси Хуршидабону Фармоновага, учинчи ўрин эса филология факультети талабаси Мухлиса Жалиловага насиб этди.

– Вилоятдаги 13 та олий таълим муассасасида танловнинг факультетларро беллашувлари ниҳоясига етмоқда, – дейди Таълим ва фан ҳодимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Самарқанд вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Ифтихор Раҳимов. – Бугун ёшлар катта қизиқиш ва ҳаяжон билан қалам тебратишди. Эндilikда ғолиблар вилоят босқичида ўз иқтидорларини синовдан ўтказишади.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»



Келгуси сонларда ўқинг...



ОСТАНАДАГИ ОРИЯТ



ЖАВОБИНИ КУТАЁТГАН САВОЛЛАР



Мен сизга айтсам...

СОҒЛИҒИНГИЗНИ БОРИДА ҚАДРЛАНГ!

Давлатимиз раҳбари халқ саломатлигига жуда катта эътибор қаратмоқда. Сўнгги йилларда барча соҳат-гоҳларда уруш ва меҳнат фахрийлари, халқ таълими соҳасида самарали хизмат қилаётган педагоглар, «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар имтиёзли равишда соғломлаштирилмоқда.

Бир йилдан ошди, биз ҳам вилоятдаги педагогларни санаторийда дам олдириямиз. Гувоҳи бўлдики, 15-20 йиллаб сиҳатгоҳда дам олмаган, шифокор кўригидан ўтмаган педагоглар бор экан. Ҳатто бепул йўланма берилса ҳам санаторийга келишни орта сурадиганлар бор. Аммо, улар билмайдикки, инсон бир йилда 10-12 кун дам олиб, ўз саломатлиги учун қайғурса, соғлиги мустаҳкамланиб, умри узаяди.

Катта-катта маблағлар сарфланиб, онкология, эндокринология, кардиология марказлари, шифохоналар қурилмоқда. Қайси шифохонага борманг, касал кўп, навбат катта.

Бунга сабаб нима? Сабаб шунки, ўз соғлиғимизга ўзимиз қайғурмаймиз. Масалан, ота уч нафар фарзандини боқиш учун эртадан кечгача тиним билмайди. Агар сиз унга «Бир йилда ҳеч бўлмаса, 10 кун дам олинг. Шифокорга кўрининг, текширтининг», десангиз, «Шартми шу, нега текширтираман?» деб жавоб беради. Бундай тоифадаги одамлар боши деворга урилиб, касал бўлиб ётиб қолганда уйдаги бор-будини сотиб, даволанишга сарфлайди. Аммо унда кеч бўлган бўлади. Тўла соғайиб кетмайди, яримжон бўлиб қолади.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИНГ АСОСИ БУ – ПРОФИЛАКТИКА. Яъни, КАСАЛ БЎЛИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ. АФСУСКИ, СОҒЛИҒИМИЗГА ЭЪТИБОРСИЗЛИГИМИЗ ТУФАЙЛИ ПРОФИЛАКТИКА ЧЕТДА ҚОЛИБ, ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ АСОСИЙ ИШИ КАСАЛЛАРНИ ДАВОЛАШ БЎЛИБ ҚОЛЯПТИ.

Бизнинг санаторийда дам олувчиларга турли гиёҳлардан тайёрланган «Фиточой»лар берилади. Аммо кўпчилик сиҳатгоҳдан чиққандан кейин бу дамламаларни ичмайди. Ахир фитотерапияни ҳаёт тарзимизга айлантирсак, кони фойда-ку. Баъзи дам олувчилар «Шу ванна муолажаларини олмасам-чи», дейишади. Ахир ванна қабул қилиш орқали инсоннинг тери тешиклари очилади, нафас олади. Натижада ички секреция безлари гормон ишлаб чиқаради, одамнинг иммунитетини мустаҳкамланади. Ёки овқатланишни олайлик. Баъзи одамлар тўйиб овқатланишади, фаол ҳаракатдан дарак йўқ. Бу ҳам кўп-кам касалликларга олиб келади.

Санаторийларда дам олиш орқали одамларда тиббий маданият: рационал овқатланиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, уйқунинг аҳамияти, маданий ҳордиқ, жисмоний тарбиянинг инсон ҳаётидаги ўрни ҳақида муайян билим ва кўникмалар шаклланади.

Унутманг, сиз оилангизга ва жамиятга соғлом ҳолда керак-сиз. Шундай экан, бефарқлик ва эътиборсизлик қилиб, саломатлигингизни йўқотишга йўл қўйманг!

Икром РАҲИМОВ,
«Қашқадарё соҳили санаторийси»
МЧЖ раҳбари

«КВАРЦ»да тараққиёт жилваси

«Кварц» акциядорлик жамиятида ўтган йили диққатга молик бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан, Хитойнинг «Shanghai Pony Technology Co.LTD» компанияси ҳамкорлигида хориждан келтирилган замонавий ускуналар билан жиҳозланган, ҳар кеча-кундузда 400 тонна ойна тайёрлаш қувватига эга янги линия ишга туширилди. Натижада корхонанинг йиллик ойна ишлаб чиқариш қуввати 22 млн. квадрат метрга ошди. Ҳозирга қадар эни 3,660 метрлик, қалинлиги 2-12 мм.лик ойна ишлаб чиқариш ўзлаштирилган бўлса, эндиликда 15 мм. ва 19 мм. қалинликда бўлганларини етказиб бериш чоралари кўрилмоқда.

Бундан ташқари, маҳсулот сифатини яхшилаш мақсадида кумни бойитиш линияси ишга туширилди. Унга Германиядаги «AKW-Ferfahren» GmbH компаниясидан келтирилган асбоб-ускуналар ўрнатилди.

Меҳнат унмудорлиги тобора яхшиланаётгани эса жамиятнинг даромади ошишига ҳамда унда ишлаётган 2500 нафар кишини ижтимоий ғимоялашни янада кучайтиришга хизмат қилмоқда. Корхона касба уюшма қўмитаси ташаббуси билан йил давомида Фарғона шаҳрида жойлашган театр-концерт саройида ҳамда Қувасой шаҳридаги маданият саройида таниқли санъаткорлар иштирокида концертлар, театр ва цирк томошалари, турли саналарга бағишланган маданий-маърифий тадбирлар уюштирилди. Ўз навбатида, ишчи-ходимларнинг фарзандлари учун Янги йил байрами ташкиллаштирилди.

Табииyki, жамоада узоқ йиллар ишлаган ва ҳозир ҳам ўрнак бўлиб меҳнат қилаётганлар ҳамиса эъзозда. Корхонада ишлаётганларига эса байрамлар арафасида пул мукофотлари берилди, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари олишларига қўмаклашилди. Эндигина турмуш қурган 25 нафар ёш оила аъзолари ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланди.

Корхонада ишлаётганларнинг 730 нафардан зиёдронини хотин-қизлар ташкил этади. Шубҳасиз, уларни моддий-маънавий рағбатлантириш ва меҳнатини енгиллаштириш борасидаги ишлар таҳсинга лойиқ. Масалан, Даволаш-соғломлаштириш марказида бепул хизмат кўрсатувчи аёллар маслаҳатхонаси, цехларда маънавий, спорт-тренажёр ва ювениш-кийиниш хоналари, спорт майдонлари, кутубхона ишлаб турибди.

Йил мобайнида байрамлар асноси цех ва бўлимлар ўртасида корхона биринчилиги соврини учун ўндан зиёд спорт тури бўйича мусобақалар ўтказилди. Ёзги таътил даврида ишчи-ходимлар фарзандларидан 239 нафари Қувасойдаги «Ниҳол» ва Фарғона шаҳридаги «Ҳумо» оромгоҳларида дам олдирилди. Ёки айтилик, 575 нафар ходимга оилавий шароитларини ўнглаб олишлари ва соғлиқларини тиклашлари учун моддий ёрдам кўрсатилди. Кўпйиллик тажрибага эга ишчи-ходимлардан 6



нафари у чун Фарғона, Хива, Урганч шаҳарларига уч кунлик бепул саёҳатлар уюштирилди. 76 нафар ходим ҳақи тўлиқ корхона ҳисобидан қўллаб берилган йўлланмалар асосида юртимиз сиҳатгоҳларида саломатлигини мустаҳкамлади. Коронавирусга чалинган 183 бемор эса Даволаш-соғломлаштириш марказида муолажа олди.

Жамоа шартномасида ишчи-хизматчиларнинг оилавий шароитлари инобатга олиниб, маърака-маросимларни ўтказиши учун озиқ-овқат маҳсулотлари берилиши белгиланган. Бултур бу имтиёздан 55 киши фойдаланди. Шунингдек, 50 ва 60 ёшга тўлган 97 нафар кишига базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баробари миқориди мукофот пуллари ажратилди.

Шу ўринда эслатиш жоизки, раҳбар ходимлар меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитилган ва билимлари «Ўзсаноатқу-

рилиш-материаллари» уюшмаси сино-видан ўтказилган. Иш жойлари эса «NEFT-GAZ TRADE ENGINEERING» илмий ишлаб чиқариш корхонаси томонидан аттестация қилинган. Шу жараёнда 75 та нуқулай иш жойи мавжудлиги аниқланган. Ҳозир уларда 1065 нафар ишчи-ходим меҳнат қилмоқда ва барчаси Олтиариқнинг шифобахш ичимлик суви, сут-қатиқ маҳсулотлари, даволловчи-соғломлаштирувчи таомлар билан таъминланмоқда.

Яна бир гап. Корхона ҳудудида ҳаракатланиш бўйича огоҳлантирувчи белгилар қўйилган, ўт ўчириш бурчаклари зарур анжомлар билан жиҳозланган. Бино ва иншоотларда фавқулодда ҳолатларда эвакуация қилиш йўл-йўриқлари ишлаб чиқилиб, кўзга кўринарли жойларга осиб қўйилган. Юқорида тилга олинган далил-рақамлар «Кварц» акциядорлик жамиятидаги ишлар кўнгилдагидек давом этаётганидан далолат беради.

Раёно МАҲҚАМОВА,
«ISHONCH»



Сўнгги йилларда павловния дарахтини етиштиришга қизиқиш ортмоқда. Жуда тез ўсадиган мазкур дарахт ўзининг кўркам манзараси билан истироҳат боғлари ва хиёбонларни безаши баробарида, қимматли ёғоч сифатида қурилиш саноатида ҳам ишлатилади.

Маълумотларга кўра, бу дарахтнинг тур ва навлари кўп. Аммо бизнинг мамлакатимиз иқлим шароитига асосан «Каталпа», «Элонгата», «Фаргес» каби турлари тез мослашади.

Бухоро вилоятининг Ромитан туманидаги «Бекзод Бехруз Оллоберган» оилавий корхонаси 2 гектар ерда павловния дарахти етиштиришда ҳамда гулчилик хўжалигини ташкил қилмоқда. Кооперация асосида ишлаётган корхона раҳбари Баҳодир Самиевнинг айтишича, 30 минг туп павловния кўчатини етиштириш учун ерга уруғ қадалган, уруғлар кўчат ҳолига келгунча парваришlash учун 20 нафар ишчи жалб қилинган. Кўчатларнинг асосий қисми хўжаликда парваришланади. Бир қисми ишчиларга кўчат етиштириш учун берилади. Бир йилдан

Катта лойиҳага яраша ишлар



сўнг кооператор улардан кўчатни қайта сотиб олади. Павловния ўстириш катта машаққат талаб қилмайди, – дейди корхона раҳбари. – Ҳар қандай нуқулай об-ҳаво шароитига чидамли бу кўчатни етиштириш учун асосан сўғоришга эътибор қаратиш лозим. Яъни, дарахтнинг яхши ўсиши учун сувли жой бўлиши, тупроқ доим нам бўлиб туриши ке-

рак. Сув бўлмаса, павловния қуриб қолмайди, лекин яхши ривожланмайди. Бу дарахт тез ўсувчан бўлгани сабабли бир йилда 5 метргача бўй чўзиши мумкин.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, хўжаликда гулчиликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили 1 гектар ерда 50 минг туп хризантема, астромерия, атиргул етиштиришга киришилган бўлса, бу йил улар қаторига астра ва гвоздика гуллари қўшилади. Наманганлик ҳамкорлардан 2000 туп хонаки гулларга буюртма берилган. Мавсум бошланиши билан Ромитан туманининг «Тарнаут» маҳалласидаги «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларга кооперация усулида етиштиришлари учун хонаки гуллар тарқатиб берилади.

– Гул етиштириш таклифини билдирганимизда маҳалланинг кўплаб хотин-қизлари қизиқиш билдирди, аммо аксариятининг бу борада малакаси йўқ, – дейди Б.Самиев. – Шуни инобатга олиб, корхона ҳудудида ўқув маркази ташкил этилди. Марказ биноси қуриб битказилди. Биз билан ҳамкорлик қилмоқчи бўлган хотин-қизларни бепул ўқув машғулотларига тақлиф этамиз. Гулларни таваккалга бериб юборгандан кўра, аввал уларнинг парвариши бўйича ишчиларнинг билимларини оширсак, натижаси тезроқ кўзга ташланади. Қолаверса, хотин-қизларни касб-хунарга ўргатишга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Павловния ва гулчилик лойиҳасининг умумий қиймати 1 миллиард сўм. Бу сармоянинг 600 миллиони «Микрокредитбанк»нинг Бухоро вилояти филиали кредит маблағлари ҳисобидан қўланади. Тадбиркор павловниядан 600 миллион, гулчиликдан йилга 300 миллион сўм даромад олишни режалаштирмоқда. Қимматбаҳо ва сардаромад павловния плантацияларини кўпайтириш борасидаги кооперацион лойиҳалар ҳудудлар аҳолиси бандлигини таъминлашга, қолаверса, арзон ва сифатли ёғочлар кўпайтиришга хизмат қилади.

Дилдора ИБРОҲИМОВА,
«ISHONCH»

Ташаббус



Рамазон ҳайити муносабати билан берилган таътилни хоразмлик касба уюшмаси аъзолари мароқли ўтказдилар. Мамлакатимизнинг тарихий шаҳарлари бўйлаб саёҳатлар барчада катта таассурот қолдирди.

Ички туризм

ТААССУРОТЛАРГА БОЙ САЁҲАТ

Жумладан, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Урғанч шаҳар кенгаши тасарруфидagi ташкилотларда фаолият қўрсатувчи юзга яқин аъзолар Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида бўлдилар.

– Таълим-тарбия масканларидаги фаолиятларини юқори кайфиятда давом эттираётган касба уюшма аъзолари Хотира ва қадрлаш кuni муносабати билан ташкил этилаётган давра суҳбатларида ўз таассуротларини ҳамкасблари, шогирдлари билан ўртоқлашдилар, – дейди кенгаш раиси Сафаргул Бердиева.

Саёҳатларда шифокору ҳамширалар, қурувчию муҳандислар, тадбиркорлар, давлат ва жамоат хизматчилари, маданият, қишлоқ хўжалиги ходимлари ҳам кенг жалб қилинди. Қайсидир жамоа Султон Увайс Бобо мақбарасини зиёрат қилган бўлса, яна бир жамоа Нукусдаги Савицкий музейида бўлиб қайтди. Ичан қалъа ҳам маҳаллий сайёҳлар билан гавжум. Қалъага ташриф буюрган касба уюшма аъзолари тарихий обидаларини томоша қилиш баробарида турли концерт дастурларидан ҳам баҳра олишди.

– Саёҳатларда 4500 га яқин касба уюшма аъзолари иштирок этди, – дейди Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши Маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Бекзод Рўзметов. – Муҳими, сайёҳлар учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилди. Бу каби тадбирлар барча таътиллarda давом этирилади.

Мухаббат ТЎРАБОЕВА,
«ISHONCH»



Бундан сал олдин Самарқанд вилоятида тери ва жун маҳсулотларини қайта ишлашга жиддий киришилгани анча овоза бўлганди.

Жумладан, биргина ўтган йили вилоятнинг Самарқанд, Пахтачи, Нуробод, Каттақўрғон, Жомбой ва Қўшработ туманларида 10 та лойиҳа доирасида ушбу маҳсулотларни қайта ишлаш, гранулали омихта ем тайёрлаш ва бўрдоқчилик комплексларини фойдаланишга топшириш режалаштирилгани айтилди. Қўшимча қувватлар эъзизига 1,1 минг тонна жун, 4,5 минг дона тери, 900 тонна гўшт етиштириш ҳамда 3,9 миллион долларлик қорақўлчилик маҳсулотларини экспорт қилиш мўлжалланди. Энг муҳими, ушбу соҳани ривожлантириш орқали 11 минг кишини иш билан таъминлаш кўзда тутилди.

Хўш, бу режалар нечоғли уудаланди? Ишқилиб, эзгу орзу-ниятлар қоғозда қолиб кетмадими? Умуман олганда, ҳозир вилоятда тери ва жунни қайта ишлаш қай аҳволда?

Биз ушбу саволларга аниқ жавоб топиш мақсадида соҳага дахлдор бир неча бирлашма ва уюшмада бўлиб, ҳақиқий аҳвол билан танишдик.

Хулосамиз эса куйидагича бўлди: белгиланган режаларнинг асариёти ҳамон амалга ошмаган. Айни кезларда жами 1603 нафар киши меҳнат қилаётган 132 та чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасининг барчаси хомашё сифатида сунъий чармдан фойдаланмоқда. Қорамол терисини қайта ишлашга ихтисослашган ва вилоятда ягона ҳисобланган «Каттақўрғон чарм»



корхонаси ҳам ўз маҳсулотларига хориждан харидор излашга мажбур бўлмоқда.

– Самарқанд туманида 6 гектар, Ургут туманида 2,2 гектар майдонда терини қайта ишлаб, чарм-пойабзал ва мўйна маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган кичик саноат зоналари ташкил этилади, – дейди «Ўзчармасаноат»нинг Самарқанд вилояти уюшмаси бошлиғи Алишер Шомирзаев. – Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш мақсадида Самарқанд шаҳридаги «SAM SUNI DER» қўшма корхонасига сунъий терига ишлов берадиган, қиймати 100 минг долларга тенг янги ускуна келтирилди. Шу асно 10 та янги иш ўрни яратилди.

Соҳа мутасаддиси режалар ҳақида тушунча берди. Аммо улар ҳали қоғозда. Булунғур ва Пастдарғом туманларида қўй терисини қайта ишлашни йўлга қўйиш ҳам мўлжалланаётган экан.

Ҳақиқий аҳвол шуки, тизимда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг жами саноатдаги улуши 1,1 фоизга, ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши эса 0,4 фоизга тўғри келмоқда. Бундан-да ачинарлиси,

вилоятда қўй жуни ва терисини сўрайдиган одам йўқ ҳисоби. Чорвачиликка ихтисослашган Нуробод, Қўшработ ва бошқа туманларда бу маҳсулотлар чиқинди сифатида ташлаб юборилмоқда.

– Эчки териси ва жунига харидор бор, лекин қўйниқига топилмайди, – дейди қўшработлик Қаҳрамон Садриддинов. – Эллик бош қўйим бор, жунларини ҳар йили икки марта оламиз, аммо унга харидор йўқ. Бу салкам 100 кило жун ҳайф кетади, дегани бўлади.

– Самарқанд шаҳри биқинидаги Чархин қишлоғида ашайман, – дейди Достон Ҳамидов. – Қўкламу кузда дала ва зовурлар ёқалари қўй жунига тўлиб кетади. Яна денг, ҳавода учиб юриб, атроф-муҳитга қатта зарар келтиради. Ҳолбуки, улардан талай маҳсулотлар тайёрлаш мумкин. Биз шунини била туриб, бу ноёб ашёни увол қиляпмиз.

Самарқанд вилояти қорақўлчилигини ва яллов ҳўжаликларини ривожлантириш уюшмаси бошлиғи Аҳмат Бозоровнинг айтишича, бу ташкилот таркибида 7 та ҳўжалик, 4 та кластер ҳўжа-

лиги, уларнинг ихтиёрида салкам 328 минг бош қўй-эчки бор. Улардан 2920 тонна жун олиниб, 2900 тоннаси экспорт қилинган.

– Аҳоли чорчасига қайси тизим масъул? – сўрадик уюшма раҳбаридан.

– Улар кластер ҳўжаликлари қамровига олинган, – дея талмовсирогандек бўлди у. Суҳбатдошимиз тилга олган рақамларга кўз ташлаб, ҳайратимиз баттар ошди. Чунки вилоятдаги ҳўжалик ва аҳоли парваришидаги ушоқ моллар сони у келтирган рақамларга нисбатан ўн баробар кўп эди. Масалан, Нуробод туманида, жорий йил ҳолатига кўра, 594739 бош қўй-эчки бор. Шундан 450718 бошини аҳоли, 73832 бошини эса фермерлар парваришляшмоқда. Қўшработ туманидаги аҳоли ва чорвадор ҳўжаликлари қўтони ҳам бўш эмас.

Хуллас, икки туманда бир миллион бошдан зиёд қўй-эчки бор. Қолган ўнта туман ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшганда, терини, майли, қўя турайлик, жами жун миқдори бир неча миллион тон-

Долзарб мавзу

нани ташкил этиши мумкин. Уларнинг неча фоизи фойда келтираяпти-ю, қанчаси исроф бўлаяпти, афсуски, бунини чўтга соладиган валломаат ҳозирча топилагани йўқ.

Давлатимиз раҳбари 2020 йил 2 сентябрда «Ўзбекистон Республикасида пиллачилик ва қорақўлчилигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга, 2021 йил 8 июлда эса «Республикада мавжуд яйловлардан унумли фойдаланиш, ипак ва жунни қайта ишлашни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди. Уларда жун қирқиш ва йиғиш шохобчаларини ташкил этиш алоҳида вазифа сифатида белгилаб берилди. Вилоятда тери ва жунни қайта ишлашга дахлдор бирлашма ва уюшмалар кўп бўлса-да, уларни қабул қилладиган бирорта ҳам шохобча йўқ. Биз уюшма четга экспорт қилаётган жун ҳам асосан эчки қили эканлигини аниқладик.

– Анави тахмондаги қўрпачаларнинг ичига пахта эмас, жун солганман, – дейди пайариқлик Норхол момо. – У яхшилаб саваланса, пахтадан ҳам майин бўлади. Соғлиққа ҳам фойдали. Ер захрини қайтарадиган тўшама бўлади. Афсус, одамлар ялқов бўлиб кетишди. Кўпчилик қўй жунини уюм-уюм қилиб, ахлатга ташлаяптир. Бу исрофгарчиликдан ўзга нарсаси эмас!

Мулоқотлар жараёнидан англашимизча, тизимни оёққа тургазиш осон иш эмас. Чорвачиликка тааллуқли соҳалар, фермерлар уюшмалари ҳам бу ишга бош қўшмасалар, «арава» ҳали-вери жойидан жиладиганга ўхшамайди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»



Саломатлик омиллари

Ҳаммаси ҳаракатга боғлиқ!



ТАБИЁ – ТАБИЪ ЭМАС, БОШИДАН ЎТГАН – ТАБИЪ

Мана, салкам тўрт ойдирки, дўстлариму танишларим мендан қандай қилиб озганимни сўрашади. Мен бунинг учун танамни баамисоли компьютердек «перезагрузка» қилиб («қайта тиклаб»), ишга туширганимни айтаман. Аниқроғи, ичкаларимни сурги дори воситасида обдон тозаланимдан сўнг улар яхши ишлай бошлаганини ва вазним 110 килодан 93 килога камайганини, шу зайл соғлом турмуш тарзига қайтганимни тушутираман.

Яна бир муҳим янгилик. Илгари пиёда сайр қилиш мен учун деярли бегона эди. Энди эса бир кунда 10 минг қадам босмасам, кўнглим тинчимайди. Бундан ташқари, аъзолари ҳар кунини 7 қажирим юрадиган Пиедалар клубини очдик. Ва яна, ҳафтада икки марта сув ҳавзасига бориб, 1000-1500 метр масофага сузаман.

Хўш, буларнинг самараси қандай бўлди? Шу вақт ичиде менда нима ўзгаришлар руپ берди?

Авалло, юқори қон босими – гипертония касаллигим тузалди. Иккинчидан, қорним дам бўлишни йўқолди. Учинчидан, юрагим спортчиларникидай оҳиста ура бошлади. Тўртинчидан, жигарим тозаланиб, баландлаган ферментлари меъёрига тушди. Бешинчидан, қийматлигари ўт қопим тўғриланаяпти...

Туюв кунини ишончама дўстим Аслиддин Алимардон келди. У 4 ойча бурун менга «Одам икки-уч кун овқатланмагани билан озмайди. Қўлимиздан келадиган ишни қилайлик», деганди. Бу сафар эса мен унга семириб кетганини, соғлом ҳаётга ўттиши зарурилигини эълатдим. Эъзизга «Йилда бир марта сиз каби 14-15 кило озаман. Кейин яна семирман. Ҳали қараб туринг, бир йилга бормай, сизда ҳам шунақа бўлади», деган жавобни эшитдим. Ортиқча тортишиб ўтирмай, «Бунини вақт кўрсатади», деб қўя қолдим. Чунки қайта семирмаслик ўзимга боғлиқлигини яхши билардим ва бунга қаттиқ ишонардим...

Уйимиздаги ҳўмақдан сув яхши оқмай қолса, дарҳол уни тузатишга киришаман. Шунда пластмасса қувурнинг ичи чиқиндига тўлиб қолганини кўраман. Инсон вужуди ҳам мана шу қувурга ўхшайди. Ичкалари қон томирлари йиллар оша хилтарув холистеринга тўлади. Уни вақти-вақти билан тозалаб турган маъкул. Акс ҳолда, еган овқатимиз керакли жойга етиб бормайди. Оқибатда турли касалликлар пайдо бўлади.

Яқинда стоматолог Алишер Саидмуродов билан соғлом турмуш тарзи ҳақида анча суҳбатлашдим. Унинг айтишича, узоқ яшашнинг тўртта омил бор. Улар тўғри овқатланиш, кўп ҳаракатланиш, экология ва ташқи муҳитдан иборат. Узоқ умр кўришининг асосий икки омилли ўзимизга, қолгани бошқа сабабларга боғлиқ бўлар экан.

Шифокор Аликжон Зоҳидий ҳар ўн кунда сурги дори ичиб, танасини тозалаш ҳақида ёзди. Биз ҳеч бўлмаганда ойда бир марта танамизни тозалаб, у бизга камида 100 йил хизмат қилиши аниқ!



«БУ ҲАҚДА БУТУН ЎЗБЕКИСТОНГА ЖАР СОЛИНГ!»

Ўтган йили 140/100 бўлган қон босимим, 4 ойдирки, 120/80. Аммо рўза кунлари бошим бироз айлангандай бўлди. Ўлчатсам, қон босимим 90/60 бўлиб чиқди. Сабабини аниқлаш учун поликлиникага бордим. Бу сафарги кўрсаткич иккала қўлимда ҳам 110/80 бўлди.

Кейин юрагимни кардиограмма қилдирдим. Қисқаришлар сони 53 чиқди. Бу брадикардия дегани. Оддий одамларда унинг меъёри 60 дан 80 гача бўлар, кашандалар, асабийлар, тажанглар, семирлар, холистерини кўплар, кофеҳўрлар, энергетик ичимликлар шайдолари, қони қуюқларда ошар экан. Спортчилар, пиёда кўп юрувчиларда эса, аксинча, тушаркан. Уларда меъёр 48 дан 58 гача. Бу ориликда урган қорам русчада «спортивная сердца» дейилади ва киши умрини узайтиради.

Демак, мени озганим, сузганим, ҳар кунини 10 минг қадам юрганим фойда дера бошлабди. Юрак қисқаришлари сони пулсоксиметрда 60 чиқди, сатурациям 97 фоиз. Юрагимнинг барча деворларида туя ўрқачидай тепалик пайдо бўлибди. Семиз пайтарим улар йўқ эди.

Хуллас, қон босимим магний сульфат ва лимондан тушиб кетган экан. Уни новвотли кофе билан кўтардим.

Кардиолог Дурдона опа «Дори ичмасдан озшиш, соғлом турмуш тарзи, тиббий маданиятни ошириш билан ҳам гипертонияни даволаш мумкин. Бу ҳақда бутун Ўзбекистонга жар солинг!» деди хурсанд бўлиб. «Қоринбош ва семирларни сафингизга қўшин!» Улар еяётган таомларнинг 70 фоизи оқсил, 30 фоизи клечаткадан иборат. Соғлом одамда бунинг акси бўлиши керак», деб сўзини яқунлади.

Бу гапда жон бор. Чунки мен ҳам семизлигимда тўғганимни билмасдим. Энди кўп овқат емаялман. Ошқозоним кичрайди. Жигаримни тез-тез УТТ аппаратида текширтираялман: аввалгидай катталашиб йўқ, аммо ҳали ёғли гепатоз бор экан. У асосан бетартиб овқатланишим, кам ҳаракатим туфайли пайдо бўлган. Сўнг семирдим, ёғ жаноבריםи жигаримга меҳмон бўлди.

Энг ёмонни, ёғли гепатоз тобора ривожланиб жигарни яллиғлантирар экан. Жигарда нерв ҳўжайралари йўқлиги боис касалланганда оғримайди ва биз ҳам сезмаймиз. Шу боис жигарни доим текширтириб туриш керак. Негаки, унга путур етса, тана ишдан чиқади.

Мен касаллигини ҳайдаш учун турмуш тарзимни ўзгартирдим: ёғли ва хамирли овқатлардан воз кечиб, кўкатлар, мева-сабзавотлар истеъмол қилишни кўпайтирдим.

ҲАСТА ЖАМИЯТ ЮКСАЛМАЙДИ

Соғлом ҳаёт ҳақида Президентимиз ҳам бир неча бор гапирди. Зеро, бу жиддий масала. Палартиш овқатланиш, семизлик, кам ҳаракатлилик миллат дарди ва юрт ғоҳиасидир. Ҳаста жамият эса равнак топмайди, ўзидан соғлом насллар қолдирмайди, алаоқибат таназзулга учрайди.

Давлатимиз раҳбари Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгашининг навбатдан



ташқари сессиясида сўнгги пайтларда ҳаммамиз учун ўта зарур бўлган соғлом турмуш тарзига яна тўхталиб, шундай деди: «Аҳолимизни қўйнаётган жиддий муаммолар ва одатлар ортқиқа вазн, нотўғри овқатланиш, кам ҳаракатлилик. Булар билан жиддий курашадиган пайт келди. Қашқадарёликлар гўштни яхши кўришади. Энди қашқадарёликлар тандир ва жинни кўпроқ меҳмонларга бериб, ўзлари кўкатларга ва бошқа фойдали маҳсулотлар истеъмолига эътибор қаратсалар, жуда яхши бўларди».

Дарвоқе, бундан бу ёғига гўштли, ёғли ва хамирли таомларни, ширинликларни, газли, кимёвий, спиртли ичимликларни ўйлаб тановул қилайлик. Кўкатлар ва мева-сабзавотларни кўпроқ истеъмол қилишга ўрганайлик. Касалликлар биздан нари бўлишини ва узоқ яшашни, истасак, тўғри овқатланайлик, кўп ҳаракатланайлик, ортқиқа вазндан холи бўлайлик. Шунда жисмонан ва руҳан соғлом-бақувват, маърифатли ва ақлли миллатга айланамиз. Бундай миллат эса қудратли давлат куришни уддалай олади.

СОҒЛОМ ҲАЁТ ЮРТИ ҚАЕРДА?

Вақти-вақти билан эндокринолог кўригидан ўтиб турибман. Унинг қабулида дастлаб февраль ойида, вазним 101 килолигига бўлгандим. Ўшанда тана массаси индекси 33 чиққанди, сўнгги боришимда 31 бўлибди.

Тана массаси индекси – инсоннинг бўйи ва вазни мослигини баҳолашга имкон берувчи катталиқ бўлиб, вазн етишмаслигини, меъёрда эканлигини ёки ортқиқалигини аниқлашда ишлатилади. Даволаш кўрсатмаларида муҳим ўрин тутади. Унинг кўрсаткичи белгиялик социолог ва статист Адольф Кетле томонидан ишлаб чиқилган.

Шифокорнинг айтишича, ҳозир мен семизлигини енгайпман. Яъни, ортқиқа вазн ва семизлик чегарасиданман. 30 дан пастласам, семиз бўлмаган ортқиқа вазнли киши саналар эканман. Бунинг учун оғирлигим 90 килодан пасайиши керак. Ёшим 37 да бўлгани сабабли 88 кило вазн норма экан. Бинобарин, яна 12 кило озшишим даркор. Шунини эсда тутиб, ўзимга ўзим «Ҳаракатларингни кўпайтир, асло сусайтирма! Чунки олдинда сени Соғлом ҳаёт юрти кутапти. Қолаверса, бошқа замондошларинг сени кузатиб туришибди, тагин уларнинг олдида уялиб қолма!» дейман. Ортқиқа вазнли кишиларга айтар сўзим эса қуйидагича: «Тез орада сафингизни тарк этман ва сизларни Соғлом ҳаёт юртида кутаман».

Ҳа, айтилганча, Соғлом ҳаёт юрти қаерда ўзи?.. У ўзимизда – ичимизда!

Фозил ФАРҲОД

Мулоҳаза учун мавзу

– Менга қара, ҳой, – ўдағайлади Турсун ака хотинига, – кўпам нолийверма, жавобингни бераман. Кейин «Ёр-ёр»да чиқаётган ёш жувонлардан бирига уйланаман... Олтмишни қоралаган Мунира опа, эрим чиндан ҳам қариган чоғимда жавобимни бериб қўймасин, эл-юрт олдида шарманда бўлмай, дея аламини ичига ютади. Кўрсатув бошланса, юраги така-пука бўлади. Шу баҳона навбатдаги нағма бошланади-да...



Б у воқеа ҳаётини ҳақиқат, фақат қаҳрамонларининг исми ўзгартirilган, холос. Кундан-кунга Турсун амакилар сони ортиб бораётгани ҳақида эса қўй эшитаяпмиз. Кўрсатув ижодкорлари ҳар икки гапининг бирида таъкидлаганидек, синиқ тақдирларни бирлаштираётгани, бахтсизлигини элга дастурхон қилиб, дув-дув кўз ёш тўқаётган қиз-жувонларга янги ҳаёт ваъда қилаётгани ростми? Тўғриси, дастур қаҳрамонларининг тақдирини тинглаб, уларга ачинасан, киши. Ёлғизларга осон тутиб бўлмайди.

Катнашчи аёлларнинг аксарияти кўрсатувга 8-9 ёшли гўдақларининг илтимосига кўра келганини айтиб, ўзини оқлаган бўлади. «Ёр-ёрчилар» эса болакайнинг «қаҳрамонлиги»ни қарсак чалиб, қўллаб-қувватлашади. Бошловчи кам эфир давомида биз тўғри йўлларни, дамиз, кўрсатувимизни бутун Ўзбекистон кўряпти, дейишдан нарчамайди. Бу ёлғончи одамнинг ҳар икки гапининг бирида, мен рост гапирялман, дейишига ўхшайди.

Жамиятда Турсун амакига ўхшаб, эфир бошланиши билан оғзининг танаби қонганча аёллар орасидан бирор парини кўзлайдиган ишқибозлар, Мунира хола каби жабрдийдалар қатлами пайдо бўлаётгани эса ҳеч кимни қизиқтирмайди.

Кўрсатувнинг қайсидир соҳида «Турсун амаки»лардан бири катнашди. Айтишича, аёли кўп жаврагани учун алоҳида-алоҳида яшашга қарор қилибди, тил-забонсиз бир жувонга уйланиб, ҳаётини давом эттирмоқчи эмиш. Ёши олтишидан ошган бу эркакка «рахми келган» муаллиф ҳаётда жағи тинмайдиган хотинлар борлигини, уларга чидаб яшаш осон эмаслигини маъқуллади. Умрининг энг гуллаган даврини фарзандлари, эри ва оиласига бағишлаган аёл эса «чакаги тинмайди» тамғаси остида айбдордан олиниб, айбдорга солинди.

Яна бир сонда ҳали йигирмага чиқмай аллақачон уч эр кўрган жувон катнашди. 13 ёшида аллақайси қишлоқдошига алданиб қолган, кейин яна кимгадир турмушга чиқиб, икки ҳафта яшаган, кейин бошқа бири билан яна икки ҳафта турмуш қурган бу аёлга шармисор ҳаётини эл олдида сўзлаб бериш вазифаси юкланди.

Шусиз ҳам бебош қизининг қил-мишларидан эл орасида бош кўтаролмай қолган ота-онанинг ярасини янгилаш кимга керак? Кўрсатувнинг тезда омма орасида машҳур бўлиб кетишига асосий сабаби миллийлик, ўзбекчилик деган анъанавий чегарани бузиб ўтиб, ғарбона қарашларни бамайлихотир оммага синдираётганида, деб баҳолаш мумкин.

Бухоро давлат университети доценти, психолог Шўҳрат Остонов телевидион шоуларнинг инсон онига таъсири ҳақида ажойиб маълумотларни тақдим этди. Унда бундай шоулар худди йиғлаётган чақалоқнинг бешиқига шақилдонни осиб-қўйиб, уни ўқдан бу ёққа тебратганда тинчланиб қолишидаги ҳолатга ҳам ўхшатилади. Телевидион шоулар, умуман, телевизордаги тасвир миямизнинг ўнг ярим шарини, нутқ, товуш ва тушуниш эса чап ярим шарини эгаллайди. Ярим шарлар ана шу тарзда бутунлай банд қилинган, эътиборимизни ўша нарсадан бошқа ёққа қарата олмаймиз.

АҚШда бу борада тажриба ўтказилган. Сунъий йўлдош канал очилганида эфирга узатиш учун бирор дастур йўқлигидан аквариум олдида камера қўйилиб, бир неча кун давомида балиқларнинг кун давомида сувда сузиш жараёни кўрсатилди. Бироз муддатдан сўнг теледастурлар тайёр бўлган, аквариум эфирдан олиб ташланади ва кўрсатувлар уза-уза бошланади. Телеканал эса томошабинларнинг шикоят хатларини ва кўнгиноқларини билан тўлиб кетади, уларнинг асосий мазмуни шундай эди: «Балиқни қайтаринг!»

– Телевидион шоуларнинг яна бир психологик таъсир тури «Thresh эффекти» деб аталади, – дейди Шўҳрат Остонов. – Бу «экрандаги чиқинди» дея тавсифланади. Одатда номақбул нарсаси экран орқали кўрсатилмайди. Масалан, ғайритабиий қиёфа, камдан кам учрайдиган ваҳимали воқеалар, қўрқинчли шарҳлар ва ҳоказо. Уларнинг тасвири элементар тарзда намойиш этилиши аввалига кишида жирканиш, ҳазова, ачинаш, қўрқиш, нафратланиш каби туйғуларни уйғотса, бора-бора экрандаги «чиқити»га кўника

бошлайди. Натижада телевидион шоулар ўз ғоявий мақсадларига эришадилар. Томошабинларнинг бундай ноодатий шоуларга берилиб кетаётгани фанда «Ҳаётнинг монотонлигини бузиш» таъсири деб изоҳланади. Дейлик, агар нарсаларнинг нормал ҳолати бузилган бўлса, одам ғазаблана бошлайди, йиғлайди, шикоят қилади, ҳаяжонланади, мутлақ тинчлик ҳолатидан четга чиқибди. Телевизор ҳаётда уларга етишмаётган омилларни пайдо қилади, шу ишга рағбатлантиради, стимуллар, яъни бирор ишга қизиқиш туғдиради-деган омилларни пайдо қилади. Оддий одамни ҳеч бўлмаганда бирор нарсаси ҳақида ўйлашга, ташвишланишга, қулишга ун-дайди. Зеро, ҳақиқий оғриқ ёки қувонч психиканинг гормонал фонини ўзгариради ва инсон фақат ўзи учун мос бўлган жуда махсус стимулларни излашга мажбур бўлади. Ақсарият томошабинлар турли хил телевидион шоу ва хорижий сериалларга стимуллар манбаи сифатида қарашади. Чунки ўзларининг шахсий ҳаётлари бир хилликдан иборат. «Ёр-ёр» дастури эса ҳаётнинг монотонлиги бузишга ва маълум бир ишни қилиш мумкинлигига рағбатлантиргани учун ўзига тегишли аудиторияни йиға олди.

«Ёр-ёр»нинг баъзи сонларини кузатганман. Бир талай қизиқарли ҳангомаларни бекорчиликда эр-макка томоша қилиш учун жуда яхши эфир. Қолаверса, қимлар дор бахтини топишга қайсидир маънода кўмаклашаётгани ҳам ростида. Лекин оламдаги ҳар бир мажбурот, ҳар бир жонзот жуфт-жуфти билан яратилганки, мавжудотлар ичиде энг олийси саналган инсонларнинг тенгини топишда бундай олди-қочди ҳангомаларга ҳеч эҳтиёж йўқдек, назаримда. Қолаверса, жамиятда муаммолар масалалар тўлиб ётган бир даврда энг маҳоратли журналистлардан бири чукор таҳлилий журналистик материаллар тайёрлаш ўрнига ўз истеъдоди ва маҳоратини Абдулла Қаҳҳор тили билан айтганда, «ўтин ёришга» сарфлаётгани афсусланарга.

Дилдора ИБРОҲИМОВА,
«ISHONCH»



Сидқийнинг сўнгги сафари

Шоир таваллудининг 140 йиллиги олдидан

Жадид деган айбнома тўфайли ҳаёти таъқибу қувғинлар остида ўтган шўрлик ватандошларимизнинг гуноҳлари нима эди? Ўқиб-ўрганайлик, одам бўлайлик, билим-донликда жаҳонга чиқайлик, ҳақ-ҳуқуқларимизни тиклайлик каби одилона даъватлар, учун отиш, осиш, сўргун қилиш, наҳотки, адолатли бўлган бўлса?!

Айнан шундай жазолардан қочган шўрлик Сирожиiddин Сидқий эндигина балоғат ёшига етган чоғида вагонга хуфиёна жойлашиб, катта водийга қочиш орқали жонини сақлаб қолган эди.

Булар ўтган аср бошидаги гаплар. Унга қадар тортилган жабру ситамларни айтиб, адо қилиб бўлмайди...

Сирожиiddинбек зиёли оилада туғилиб ўсган. Отаси Мирзохид Охунд домла Хондайликдаги ҳовлисида мактабдорлик, яъни илм-зиёларни тарқатиш билан машғул эди. Ҳазрат домла номи билан танилган бу инсондан билим олиш илинжида Чимкент ва Сайрам, Фарғонадан талабгорлар келиб, устознинг мўъжазгина ҳужраларида яшашар эди. Бағрикенг устоз ҳеч кимдан ҳақ сўрамасди. Тўрт ўғил ва бир қизининг ўртанчаси Сирожиiddин ўн тўққиз ёшга етгунча шундай саховат-пеша хонадонда яшади. Аллоҳ тарафидан берилган серқирра фазилатлар тўфайли бу хонадонга сигмай қолган Сирожиiddинбек катта шаҳар – Тошкентга отланиб, қолган умрини илм излаш, адолат ва ҳақиқат ортидан қуввиш, Ватанни озод ва фаровон даражага кўтаришдек бетиним курашлар билан ўтказди.

Тошкент бағрида не-не машаққатлар билан яшаган Сирожиiddин Сидқийга даврдош дўстлари, устозлари Камий, Иффат, Ризоий, Тавалло, Бехбудий, Камол Турбатий, Фитрат, Чўлпон каби ватанпарварларнинг жуда катта ижобий таъсири бўлган. Сибир сургунидан қочиб, катта водийда азоб-укубатлар оғушида яшар экан, бағрикенг зиёлилар шоир ҳаётини сақлаб қолганлар, унга таянч-мадад бўлганлар. Уларнинг ҳаммаларини санаш шарт эмас: биргина Ризоий Андижонийнинг йиллар давомида Сидқийга кўрсатган меҳрибонликларини айтмаслик инсофдан эмас.

Умр бўйи таъқибу қувғинлардан қоча-қоча Тошкентга қайтган Сирожиiddин Сидқийнинг сўнгги сафари Парвезтепа атрофи бўлди. Ўттизинчи йиллар бошида Сидқийнинг она қишлоғи Хондайликдан Паргизга кўчиб туша бошлаган ватандошлари шоирни



жон-диллари билан бағирларига олдилар, ҳашарлар уюштириб, мўъжазгина ҳовли-жой тиклаб бердилар. Қўли гул шоир эса бу ҳовлини жаҳондаги нодир анвойи гулу дарахтлар билан ясантириб, умри охирига қадар ушбу маконда ҳаёт кечирди...

Серқирра адибнинг устоз, дўст ва шогирдлари бехисоб эди. Улар орасидаги энг меҳрибон, софдил, жонқуяр шогирди сифатида албатта Абдулла Носировни эътироф этамиз. Жонли қомус номи билан машҳур бўлган Абдулла ота болалик чоғиданоқ хаттотлик санъати сир-асрорларини астойдил ўзлаштирган эди ва умри сўнгига қадар Сирожиiddин Сидқийни юксак эътиром ва астойдил ҳурмат билан қалбида асради. Устоз ҳаёти ва ижодини юзага чиқариш учун бетиним курашди. Бу савобли, машаққатли ва олижаноб ҳаёт йўлида адабиётшунос олим, тарих фанлари доктори Маҳмуд Ҳасанийни ҳам четлаб ўтиш мумкин эмас.

Мен ҳам Сирожиiddин Сидқийнинг ҳаёти ва ижоди билан ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари охирида шуғуллана бошлаган эдим. Не бахтки, дорулфунуннинг филология факультети талабаси Каримахон иккимизни Аллоҳ умр йўлдошлик бахтига муяссар айледи. Шу-шу ҳамқишлоғимиз Сирожиiddин Сидқий Хондайлиқий ҳаёти ва ижоди йўлида биргаликда шуғулланишга киришдик. Сидқийни эшитган, таниган, билган инсонлардан, Шарқшунослик институти, юрт бўйлаб маълумотлар тўплардим, тўхтовсиз қозоғга туширдим ва жуфти ҳалолимга топширдим. У эса куну тун машинкани чиқиллатаверди. Билмадим, тўғри қилдимми, ё... Ҳамма нарсалар менинг номимдан чоп этилар, шўрлик жуфти ҳалолим чеккада қолиб кетаверарди. Яна менинг жиззакиликларим, зардаю дашномларимни айтмасизми! Қани энди унда

бир оғиз эътироз, норозилик ёки гап қайтариш бўлса. Сидқийга оид китоблар чоп этилганида оламга сиғмас қувончларини-ку таърифлашга тилим ожиз! Жонажоним, меҳрибоним умрининг сўнгги кунларини яшаётганини қайдан ҳам билардим?! Айниқса, биргина сўрови юрагим тўрига қадалди-қолди: «Ҳамқишлоғингиз Сирожиiddин Сидқий уй-музейини яратиш ҳақида нега бош қотирмайсиз? Ота-боболаримиз икки минг йилдан зиёд вақтдан бери яшаган Қўрғонтепа бағрида ноёб шу иншоотни қуриш ташаббускори бўлмасангиз, бу ишга ким қўл уради? Шу орқали Қўрғонтепа нафақат Бўстонлиқ тумани, балки бутун Ўзбекистон, ҳатто олам одамларининг зиёратгоҳига айланиши аниқ. Шу билан бирга кутубхона ҳам битади. Ўйимизда ҳеч ким ўқимай увол бўлиб ётган мингдан ортиқ ноёб китобларимизни совға қиламиз. Ҳам Сидқийнинг уй-музейи, ҳам маънавият маркази пайдо бўлади. Тепалик ва унинг чор тарафи янаям кўркамлашиб, ҳақиқий гузар ва сайлгоҳга айланади. Қўрғонтепа билан тенгдош бобочинорлар бағрида туристлар меҳмонхонаси яратилса, уларнинг тарихини ёзиб берсангиз, ажойиб маънавий ва маданий мерос қолади келажакка!».

Ярим асрга яқин муддат ёш авлодга она тили ва адабиётдан билим бериб келган умрдошим шундай ноёб фикрларни айтар экан, юрагим орқага тортиб кетди. Жуфти ҳалолимнинг умри наҳотки тугаб бораётган бўлса?!

Ҳа, бу ҳаёт ҳақиқати эди. Умр йўлдошимни «Тез ёрдам» Зангиотата олиб кетиб, икки кундан сўнг... муздаккина қилиб олиб келиб берди. Жонажонимнинг бебаҳо фикрлари менга мерос бўлиб қолди.

Ўзимни қайга қўяримни билмас эдим: ўлиб ўлолмайман, яшаб яшай олмайман... Шу кезде ҳам Сирожиiddин Сидқийнинг минг бир азоблар билан яшаган ҳаёти менга таянч бўлди. Улуғ шоир боғига қандоқ борганимни билмайман. Қўзларимдан шашқатор ёшлар оқиб, Сидқий ўғитларини ўқийман. «Одам уч хил бўлур, – деб ёзарди шоир. – Бутун одам, ярим одам, одам ҳисобинда бўлмаган одам. Бутун одам улдирки, ўз ақлига иш буюриб, касбу корга машғул бўлур, киришур ва тиришур. Ярим одам улдирки, бирон ишнинг улдасидан чиқа олмас. Локин ўзганинг иршоиди (кўрсатмаси) бирлан ишга киришур ва тиришур. Одам ҳисобинда бўлмаган одам улдирки, на унисининг ва на бунисининг улдасидан чиқур. Улар дангасалар, текинхўрлар ва ялқовлар жамоаси эрурки, таъма бирлан кечинурлар».

Жуфти ҳалолимнинг менга айтган доно гаплари, аниқроғи, васиятларини амалга ошириш учун Бўстонлиқ тумани ҳокимининг қабулига кирдим. Жўрабек Аҳмедов билан биргаликда қишлоққа чиқдик. Сирожиiddин Сидқийнинг уй-музейи ва кутубхона қуриладиган жойларни кўрдик. Айниқса, икки минг йилдан зиёд умр кўраётган бобо-

чинорлар Жўрабек Аҳмедовда чуқур таассурот уйғотди. – Қўрғонтепа ва бобочинорлар тарихини яхшилаб ёзиб беринг, уларни абадийлаштириш ва туризмга оид масалалар билан алоҳида шуғулланамиз, – деди ҳоким осмонўпар гўзалликларга ҳавас билан тикилар экан. – Ёнгинамизда шунақа ажойиб табиат гўзалликлари туриб, биз қаёқлардан мўъжизалар излаб юрибмиз.

Ҳа, умр вафо қилса, олдинда ҳал этилиши лозим бўлган улугвор вазифалар турибди. Ватанимизни жаҳондаги илгор мамлакатлар даражасига олиб чиқиш учун бор саломатлиги, куч ва имкониятларини сарфлаётган Президентимизга юртимиздаги ҳар бир киши қўлидан келганча кўмаклашмоғи шарт. Айниқса, биз каби нурунийлар буни қалбдан тушунмоғи, ёшларни нурли йўллarga бошламоғи лозим. Мана, туризм соҳасини янги куч, шиддат ва шижоат билан давом эттиришга юртимиз раҳбари қатъий кўрсатмалар берди. Юқорида айтганимиздек, Бўстонлиқ туманининг Хондайлиқ қишлоғида бунга жуда кенг ва қулай имкониятлар мавжуд.

Юртбошимиз доимо қайта-қайта таъкидлаганларидек, мамлакатимиздаги ҳар бир инсон бахтли ҳаёт кечиришга ҳақли. Шундагина Сирожиiddин Сидқийларнинг азалги орзулари амалга ошади ва уларнинг руҳлари ҳам шод бўлади, иншооллоҳ!

Асад АСИЛ, ёзувчи



Сўзимиз аввалида бир далилни келтирмақчимиз: фарзандларимизнинг аксарияти 18 ёшга тўлгунча қадар аёллардан таълим-тарбия олишмоқда. Яъни, гўдак 3 ёшга тўлиши биланоқ боғчага берилади. Бу ерда у фақат тарбиячи опалар назоратида бўлади. Мактабларда ҳам педагогик жамоанинг 70-80 фоизини хотин-қизлар ташкил этади.

Хўш, бунинг натижаси қандай бўлмоқда? – Эртаю кеч она билан бирга бўлган йиғитларимиз феъл-атворида юмшоқлик кузатилмоқда, – дейди Пахтаобод туманидаги 37-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби амалиётчи психологи Холидахон Қорабоева. – Афсуски, ота тарбиясидан йироқлик, хотин-қизлар куршовида улғайиш улардаги ҳимоячилик хусусиятини йўқотмоқда.

Одатда болага онадан меҳр, отадан қатъият ва ирода каби фазилатлар ўтади. Чунки ўғил бола мурғаклигиданоқ отасини энг обрўли инсон, ўзига яқин дўст, деб билади ва унинг ҳар бир хатти-ҳаракатига тақлид қилиб ўсади. Бу яқинлиқнинг умрбоғ сақлаб қолиш, айниқса, ўсмирлик ва йиғитлик даврида фарзандга доимий сирдош бўлиш оталарнинг масъулияти ва ўта муҳим вазифасидир.

– Фарзандларини тарбиялаш оталарнинг муҳим бурчи, – дейди «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази бош мухассиси, психолог Замира Билолова. – Ўсмир ёшидаги бола отаси билан мулоқотда бўлишни, турли мавзуларда гаплашишни хошлайди ва шунга эҳтиёж сезади. Бу даврда ота ҳам дўстона муносабатга киришса, фарзанди уни энг яқин инсон сифатида қабул қилади. Ору-ис-такларини очик баён этади, ўзини қийнаётган муаммоларни ҳам тортинмай айтди.

Ота ўғлини тинглаш, ёшини ҳисобга



Ўғил бола тарбиясига ким кўпроқ масъул?

олиб суҳбатлашиш ва ҳис-туйғуларини тушуна олиш қобилиятига эга бўлиши керак. Қуш уясида кўрганини қилганидек, ўғил бола отасининг онасига бўлган муомаласига қараб, бўлажак турмуш ўртоғига қандай муносабатда бўлишни ўрганиб боради. Яъни, у ҳам ота-онасининг ўзаро муносабатларига мос тарзда ўзини келажакда оила бошлиғи, эр бўлишга руҳан тайёрлаб боради. Ва худди шундай оила қуришга ҳаракат қилади.

Тажрибали муаллим Алишер Абдуллаев узоқ йиллар Андижон шаҳридаги мактабларда рус тили ва адабиётдан сабоқ берган. Шу боис таълим-тарбия муаммоларига ҳам бефарқ эмас.

– Болалар ўзлари билмаган ҳолда атрофидаги одамларга тақлид қилиб улғаядилар, – дейди у. – Ҳали эсини яхши танимасданоқ уларда йиғитларга хос фазилатлар куртак отади. Бундай кезларда олдиларида отаси ёки эркак муаллим бўлиши уларнинг феъл-атворида шижоат, қатъият ва ирода шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Ўсмирлар тарбиясига таълим масканлари раҳбарлари орасида

эркаклар кўпчиликини ташкил этиши ҳам таъсир ўтказади. Касига олиб, ҳозир мактабларга асосан аёллар бошчилик қилишмоқда. Яна денг, мактаблардаги ота-оналар мажлислари асосан аёллар иштирокида ўтказилади. Уларда гоҳида ўқувчиларнинг пенсионер боболари ёки момолари ҳам қатнашдилар.

Президентимиз шу йил 5 апрель куни халқ таълими соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар таҳлилига бағишланган видеоселектор йиғилишида «Мактаб – оила – маҳалла» учлигидаги ишлар самарадорлигини ошириш бўйича устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, туман ва шаҳар ҳокимлари маҳалла раислари томонидан намунали ўқувчининг ота-онасига миннатдорлик хати ва совғалар топшириб бориш тизимини йўлга қўйиши, энг намунали ота-оналар ҳар чоракда рағбатлантирилиб, бу борадаги ишлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилиши зарурлигини ўқтирди.

Шу ўринда рус ёзувчиси Николай Крамзиннинг «Мактаблар кўплигига қа-

рамай, яхши оталарсиз яхши тарбия бўлмайди», деган фикрини тан олишга тўғри келади. Ёки инглиз шоири Жорж Гербертининг «Бир ота юз ўқитувчидан устун», деган сўзлари мактаб, маҳалла ва бозор ёки савдо марказларига ёзиб қўйилса, фойдадан холи бўлмайди. Аксинча, эркакларга ҳар доим ва ҳар қандай вазиятда ўғил фарзандлари тарбиясига масъул эканликларини эслатиб туради.

Адашмасам, 2007 йили республика-миз миқёсида «Оталар мажлиси» ўтказилганди. Ўша тадбир келгусида анъанага айлантирилса, фарзандлар таълим-тарбиясига боғлиқ муаммоларни оталар билан биргаликда муҳокама қилиш имконияти яратиларди.

Сирасини айтганда, биз Аристотелнинг «Ватан тақдирини ёшлар тарбияси ҳал қилади» деган ҳикматини унутмаслигимиз, болалар тарбиясига зинҳор бефарқ бўлмаслигимиз керак.

Анваржон ҲАЛИМОВ, «ISHONCH»

Ўзлонлар
Янгийўл тиббиёт коллежи томонидан 2018 йилда Аҳмедова Муътар Эргашбаевна номига берилган К №5333181-рақамли «Ҳамширалик иши» йўналиши бўйича диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.
Тошкент вилояти Давлат мулкчи бошқаруш ва тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бошқармаси томонидан Мирзахмедов Мираббос номига 1995 йил 31 мартда Янгийўл тумани, «Эски қовчи» ҚФЙ, Самарқанд кўчасидаги 14-оziк-овқат дўкони учун берилган 3236-рақамли Давлат ордери йўқолгани сабабли бекор қилинади.
Тошкент фармацевтика институти томонидан 1991 йилда Пардаева Дильбар Равшановна номига ФВ №947646-рақамли «провизор» йўналиши бўйича берилган диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.
Янгийўл Агротехнологиялар техникуми томонидан 2017 йил Абидов Ахор Дилшод ўғли номига «Биокимё ва виночилик махсулотлари техник-технологии» йўналиши бўйича берилган К №4850625-рақамли диплом йўқолганилиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қашқадарь вилояти кенгаши жамоаси меҳнат факрийси

Яраш НОРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекнефтегаз» акциядорлик жамияти жамоаси «Устюрт газ қазиб чиқариш» бошқармаси касаба уюшма қўмитаси раиси Бахтиёр Жумабоевга отаси

Ўразимбет ЖУМАБОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Янгиерик тумани кенгаши жамоаси туман халқ таълими фидойиси, касаба уюшмалари факрийси

Каримбой СОБИРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС:

ISSN 2010-5008

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахрир хайъати:

Кудратилла РАФИҚОВ
(тахрир хайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),

Меҳридин ШУКУРОВ
(Масъул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz

сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги аниқлиқлар, тақдирли, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Худудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-91) 406-43-24
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарь вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтани назардан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
А. Ҳайдаров

Мусахҳиҳ:
Д. Худойберганова

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – 00:10
Топширилди – 00:30

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Бюрогма V- 4136 34287 нусхада босилди. Нашр ўқсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нархда

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида чоп этилди.

Қорхона манзили:
Алишер Навоий кўчаси 30-уй.

Тахририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
банк коди: 00959,
СТІР: 201133889,
ОКДЗ: 58130